




Шимолий Африкадаги вандаллар қироллигининг асосчиси Қирол Гейзерих



«Шимолий Африканинг роман тилли ҳудудларида яшаган арийчи насронийларни ҳам тилга олиб ўтмоқ даркор. Аслини олганда, ўша насронийлар вандаллар пайдо бўлганидан суюнишган. Чунки улар ҳам арийчи бўлишган. Келгусида эса вандаллар ушбу ҳудудлардаги насронийлар ҳолатини яхшилашган».

Профессор Томас Р.Мартин

Муқаддас крест коллежи

Вандаллар қироллиги. Вандаллар - европалик герман халқи саналади. Уларнинг азалий келиб чиқиши Европа шимоли, Швециянинг жанубий қисмини эгалаган Скандинавиядир. Ушбу халқ бешинчи аср бошида Исонинг муваххидлик таълимотига эргашган бошқа герман халқлари каби Исломни қабул қилган. Бунга герман тарғиботчиси Вульфилнинг

саъй-харақати сабаб бўлган. Бешинчи аср бошига келиб вандаллар Германиядаги, ўша даврда Рум подшоҳлигининг шимолий чегараси сифатида хизмат килган Рейн дарёси сохилларига кўчиб келишган. Бу ерда уларга вандаллар каби Ягона Аллохга эътиқод килган аланлар элати келиб кўшилган.

Совук ва очлик Рейн соҳилига кўчиб келган одамларнинг аҳолини баттар ёмонлаштирди. Бундан ташқари, Осиёдан бостириб келаётган гун қабилалари шарқ томондан хавф тугдирди. Бу омиллар вандалларни Германия томон ўтишга мажбур килди. Дарёни кечиб ўтган вандалар билан аланлар Германия, демакки, Рум подшоҳлиги ҳудудига қадам босишди. Бу ерда тринитарчи румликларнинг аёвсиз жазосига мубтало бўлгач, бошпана кидириб яна гарб томон йўл олишди. Нихоят, 409 йили Пиреней яриморолига етган вандаллар ушбу яриморолнинг жанубидаги Бетик вилояти сарҳадлари яқинида ўрнашиб, кўним топишди. Кейинчалик ушбу вилоят вандал қабилалари яшаётганига ишора килинган тарзда Вандалусия деган ном олди. Шу тариқа ҳудуд бугунги кунгача ўзининг Андалусия номини саклаб келмоқда.

Андалусияга етган вандал қабилалари ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки банибашар тарихидаги энг буюк ҳукмдорлардан бири - мусулмон кирол Гейзерихнинг ҳокимияти остида бирлашишди. Кабиласи Европа бўйлаб дарбадар кезиб юрганда бўлажак арийчи кирол ёш бола бўлган. Оғир ҳаётнинг барча машаққатларини бошпана кидириб юрган кабиласи билан теппа-тенг баҳам кўрган бола иродаси кучли, бакувват шахс бўлиб улгайди. Халқига кўшилиб саргардон юрган ёш Гейзерих ўз ракибларини кийноққа солишга даъват этган жиноятчи Августиннинг таълимотига мувофиқ черков амалдорлари муваххид христианларни кийноққа солишганини ўз кўзи билан кўриб борди. Тринитарчи румликлар томонидан содир этилган зўравонликлар ёш йигитчанинг калбида адолатсизликка нисбатан мурасасизлик туйғусини, инсон киёфасидаги бундай махлуклардан касос олиб, ўз халқини уларнинг зулмидан халос этиш истагини уйғотди. Улгайиб, киролик мартабасига эришган Гейзерих ўз халқига ҳарбий санъатнинг сир-асрорларини ўргатишга киришди, сўнг Андалусия жанубида кемасозлик ишларини бошлаб, бўлажак флотга асос солди. Ўзоқ йиллар давом этган жанговар таълимот ва тайёргарликдан сўнг, 429 йили вандалларнинг Ислоний кемалари муваххид арийчи кирол Гейзерих кўмондонлиги остида кейинчалик Гибралтар («Гибралтар» сўзи «Тарик тоғи» маъносини англатадиган арабча «Жабал Тарик» сўз бирикмасининг испанлаштирилган вариантыдир. Бўғозга ушбу ном Пиреней яриморолнинг араб истилосини бошқариб, шу мақсадда Мағрибдан Андалусия томон сузганча, Гибралтар бўғозини кечиб ўтган араб саркардаси Тарик ибн Зиёд шарафига берилган.) номини олган бўғозни кечиб ўтиш учун денгиз сафарига чикди. Тарик ибн Зиёддан фарқли ўлароқ Гейзерих кўмондонлик килган вандал мусулмонлар бўғозни Андалусиядан Мағриб томон сузганча кечиб ўтишди. Мағрибга етган вандаллар Африка шимолини бутунича босиб олган рум кўшинларига дуч келиб, катта талафот етказганча тор-мор келтиришди. Европалик мусулмон вандаллар бир катор муҳорабаларда тринитарчи рум кўшинлари устидан кетма-кет галаба қозонишди. Шундан сўнг улар ушбу замин халоскорлари сифатида барбар биродарлари томонидан қарши олинди. Аҳолининг аксарият қисмини ташкил этган барбарлар вандаллар келганидан суюнишди. Ушбу ҳолат замондошимиз, тарихшунос олим, Мукаддас крест коллежи профессори Томас Р.Мартин томонидан қуйидагича тавсифланади:

«Шимолий Африканинг роман тилли ҳудудларида яшаган арийчи насронийларни ҳам тилга олиб ўтмоқ, даркор. Аслини олганда, ўша насронийлар вандаллар пайдо

бўлганидан суюнишган. Чунки улар ҳам арийчи бўлишган. Келгусида эса вандаллар ушбу ҳудудлардаги христианларнинг ҳолатини яхшилашган»

Шимолий Африкада ўтказилган ҳар бир муҳораба натижасида вандалларнинг муваҳхид кироли Гейзерих шаҳар кетидан шаҳар олиб, румликлардан тозалаб борган. Эришилган бундай муваффақият Гейзерихни тўхтатмади. Шамолдан тез ҳаракатланган кирол кўшини аник кўзланган нишон - Жазоирнинг ўша даврда Гиппон деб номланган Ан-наба шаҳри томон ошиқди. Чунки тринитарчи румликлар босиб олган Гиппонда ўша даврнинг «7- сонли террчиси», бегуноҳ насронийларга қарши қўлланилган кийноққа солиш тизимининг муаллифи - учига чиққан жиноятчи Августин беркиниб олган эди.

Аслида нима бўлганини аник билмаймиз-у, бироқ бизгача етиб келган тарихий ҳужжатлардан шу нарса маълумки, европалик муваҳхид кирол Гейзерих Аннабага етиб келган ҳамоно, ўз армиясига шаҳарни батамом қуршаб олиб, камал қилишни буюрган. Бундай буйруқни у Августиннинг шаҳарни тарқ этишига йўл қўймаслик учун берган бўлиши мумкин. Бироқ шаҳарни камал қилган вандалларнинг қудратини эшитган Августин шу заҳоти омонатини топшириб қўйди. Афтидан, унинг қора қалбини қўрқув қамраб олган, бегуноҳ арийчиларнинг қисмати унинг ҳам бошига тушиши мумкинлигини ўйлаб, даҳшатга тушгандан юраги ёрилиб ўлган қўринади, валлоҳу аълам. Лекин унинг директиваларига мувофиқ амалга оширилган арийчиларни кийноққа солиш жараёнлари тринитар христианлик тарихи саҳифаларида ўчмас доғ сифатида мангу қоладиган бўлди.

Аннабани забот этган Гейзерих Шимолий Африка пойтахти Карфагенни румликлар истилосидан озод этиш учун Тунис томон йўл олди. Шу тариқа, вандаллар Шимолий Африка билан Жанубий Европа соҳилларида бугунги саккизта давлат, ҳусусан, Марокаш, Жазоир, Тунис, Ливия, Мальта, Франция, Италия ва Испания ҳудудларини ўз ичига мужассам этган йирик Исломий арийчи кироликка асос солишди.

Давлатчилик асослари мустаҳкамлангач, вандаллар румликларнинг кемаларига бас кела оладиган йирик ҳарбий флот қуришди. Ушбу флот ёрдамида улар Сардиния, Корсика, Мальта, Балеар ороллари, Сицилия оролининг бир қисмини киролик таркибига қўшиб олишга муваффақ бўлишди. Шундан сўнг муваҳхид герман кироли Гейзерих 455 йили денгиз сафарини уюштириб, румликларнинг тарихий пойтахти Рим шаҳрига етиб, уни камал қилишга эриша билди. Вандаллар Римни қиска муддатга забот этиб, ушбу вақт ичида тринитарчи румликлар муваҳхид христианлар ва жаҳоннинг бошқа халқларини узок йиллар давомида талаб орттирган бойликларининг катта қисмини қайтариб олишди. Ягона Аллоҳга эътиқод қилган вандалларнинг сиймосини бадном қилиш мақсадида жиноятчи Августин йўлидан борган черков ушбу халқ номидан ҳосил қилинган «вандализм» атамасини ўйлаб топди. Черков амалдорлари ушбу атамага салбий мазмун бериб, мудҳиш вайроналиклар, ҳусусий ва ижтимоий мулкка етказилган зарарни вандализм сўзи ила атай бошлашди. Гарчи вандаллар румликлардан фарқли ўлароқ, Римни қунпаяқун қилиш, шаҳар аҳолисини қатл қилиш билан шугулланишмаган. Бундай жиноятлар муайян шаҳарни босиб олган румликларнинг табиатига ҳос бўлган. Римнинг бугунги қунгача асл ҳолатда сақланиб қолганини яна қандай изоҳлаш мумкин, ахир? Қизик бир ҳолат: Вандализм сўзи ўн саккизинчи асрнинг хотимасигача қўпчиликка маълум бўлмаган. Қунлардан бир қун черков амалдоридан бири епископ Анри Грегуар Напоеон ва Франция инқилоби арбоблари томонидан содир этилган вайроналикларни тавсифлаш учун ушбу атамани қўллаб, одат тусига қиритиб юборган.

Бешинчи аср ўртасига келиб вандаллар Урта денгиз соҳилларидаги қудратли қучга

айлангач, тринитарчи румликлар кўшни империялар ўртасида ҳукм сурган нифокни унутишга қарор қилишди. Шаркий ва Гарбий Рум империялари тасарруфидаги ҳарбий-денгиз флотлари эйрлаштирилиб, 468 йили қурраи замин денгизларида юрган флотлар расида мисли қўрилмаган, таркибига 1113 та жанговар кема қирган қудратли флотга айланди. Гарбнинг тарихий манбаларида қелтирилган маълумотларга қўра, ушбу флот палубаларида жами 110 мингдан зиёд эумлик жангчи бўлган. Вандаллар киролигини батамом йўқ қилиши мақсад деб билган ушбу флот бутунча Тунис томон йўл олган ва унинг соҳилига, аниқроқ қилиб айтилаётган бўлса, бугунги Ал-Аварья шаҳри яқинидаги Рас эл Тиб ёки Кап Бон деган жойга етиб қелган. Бу ерда 468 йили ўтган йирик микёсли денгиз жанги тарих саҳифаларига Кап Бон яқинидаги денгиз муҳорабаси номи ила қирди.

Румликлар иттифокининг қўмондони Василиск муваҳхид вандалларга тринитарчилар олдида сўзсиз таслим бўлиш учун эллик кун муҳлат берди. Бу вақтда вандалларнинг Ягона Аллохга эътиқод қилган кироли Гейзерих ўз жангчиларига тунги вақтда, бировга билдирмай зайтун мойининг қатта захирасини йиғиб қўйишни буюради. Жангчилар йиғилган мой захирасини ҳарбий кемаларга жойлаб, ҳужум бошлаш учун тайинланган вақт қелишини қутишади. Муваҳхид вандаллар босқинчи румликлар билан жангга шай бўлган бир пайтда Аллох шиддатли шамоқ қўтариб, душман флоти томон йўллайди. Айнан шу фурсатда вандалларнинг Исломиё флоти қўмондони, арийчи кирол Гейзерих босқинчи румликларга қарши ҳужум бошлашни буюради. Вандалларнинг зайтун мойига тўла кемалари рум флоти томон йўл олади. Ушбу кемалар душман кемаларига яқин борган ҳамоно, Гейзерих қамонлардан ўз кемаларига қарата учи ёндирилган ўқ отишни буюради. Душман томон қатта тезликда ҳаракатланаётган ушбу кемалар шиддатла эсаётган шамоқ туфайли ёнар тоғларга айланиб кетади. Бандаргоҳда бир-бирига зич турган рақиб кемаларига ўт қетиб, санокли дақиқалар ичида 700 дан ортиқ кема, ичида борики одами билан ёниб битади, ўн минглаб рум босқинчилари қуйган гўштга айланиб, Урта денгизда, Тунис қирғоқларида оқади. Румликлар иттифоқида қирган жангчиларнинг учдан бир қисми шу тариқа ё қуйиб, ё қарқ бўлиб ўлади. Бундай даҳшатли манзарадан эс-ҳушини йўқотган рум қўмондони Василиск омон қолган жангчиларига зудлик билан жангдан қиқиш, Тунис соҳилларини тарқ этиб, империя пойтахти Константинополь томон қекинишни буюради. Шундай қилиб румлик-лар ўз тарихида ҳали қўришмаган мағлубиятни бошдан қекчиришади.

Мусулмон вандалларнинг йирик микёсли бундай қалабасидан сўнг румликлар муваҳхид кирол Гейзерих Урта денгизнинг гарбий ҳавзасида ҳукмрон эканлигини расман тан олишди. Худудида вандаллар, аланлар, барбарлар, ҳатто румликларнинг омон қолган муайян тоифаси ўзаро тинч-тотув яшаган адолатли Исломиё кироликни европалик ушбу арийчи қаҳрамон бошқарди. Бошқа динларга эътиқод қиладиган одамларга қелсак, ушбу кироликда муваҳхид мусулмонлар улар билан ҳам тинч қўшничилик қилиб яшашди. Афсонавий кирол Гейзерих тринитарчи румликлар томонидан жорий этилган ҳаддан ортиқ қатта солиқларни бекор қилиб ҳам шуҳрат қозонди. Кирол Гейзерих 477 йили боқий дунёга рихлат қилди (Аллох уни раҳмат қилсин).

Вандалларнинг Исломиё киролиги Рум империяси флотларига юз йилдан зиёд вақт давомида қаршилиқ қўрсата олди. Тринитарчи Византиянинг қудратли флоти 534 йили ушбу кироликни босиб олишга муваффақ бўлди. Ушанда румликлар муваҳхид вандалларнинг сўнгги кироли Гелимерни асир олишади. Константинополга қелтирилган ушбу европалик мусулмон киролга тринитарчи румликлар қатта лавозим ваъда қилиб,

хамкорлик килишни таклиф килишди. Аммо Гелимер бундай таклифни рад этди. Католикларнинг маълумотномасида айтилишича, Гелимер розияллоху анху арийчи эътикодидан кайтишни истамаган.

Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг пайгамбарлик рисолати бошлангунча Африка шимолида ўтган арийчилик тарихини яхши ўзлаштириб олсак, арабларнинг буюк кўмондони Укба ибн Нафи ва бошқа саркардалар томонидан тринитарийчи рум боскинчиларидан халос килингунча, ушбу заминда яшаган аҳолининг тарихий ва ижтимоий табиатини тушуниб етишимиз мумкин бўлади. Чунки Африка шимолида яшаган аҳолининг барбарлар, вандаллар ва аланлардан ташкил топган аксарият кисми узок йиллар давомида арийчиликка эргашган халклар ва элатларнинг авлоди бўлган. Боз устига, барбарларнинг аксарияти вандаллар билан аланлар бу ерларга келмасидан олдин ҳам арийчи мусулмон бўлган. Табиийки, ушбу ўлкаларда яккахудолик динидан ташкари бошқа динлар ҳам бўлган. Аммо барбарларнинг аксарияти, юкорида айтилгандек, ўзининг буюк юртдоши Арийнинг таълимотига эргашган. Бу ҳолат кўплаб мусулмон ва мусулмон бўлмаган тарихшуносларнинг гўё барбарлар азалдан яхудий бўлишганига доир мулохазаларига тушунтириш беради. Сабаби аён: тринитарийчи румликлар Ягона Аллохга эътикод килган христианларга яхудий, арийчи, бидъатчи каби тамгалар босишган. Чунги яхуддийлар ҳам Мукаддас Учликка ишонишмаган.

Яккахудоликнинг охирзамон пайгамбари Мухаммад соллаллоху алайхи васалламга эргашган араблар Африка шимолида яшаган аҳолини, уларни таъкиб килиб, шаҳарларини босиб олган тринитарчи румликларнинг зулмидан халос этишганидан сўнг, муваххид вандаллар, аланлар ва барбарларнинг асосий кисми Исломни қабул килишди. Шундай экан, кўплаб барбарлар Исломга кирган кундан ҳеч канча ўтмай Исломий кўшин кўмондонлари даражасига кўтарилишганидан ажабланмаса ҳам бўлаверади. Агар барбарларнинг Исломда бўлмаган йиллари ҳисоблаб чикилган такдирда ҳам, тарих нуктаи назаридан қаралганда бу кўп вақтни ташкил этмаслиги аникланади. Уша даврда табиатан ён бермас барбар халки тўла-тўқис Исломга кириб, айрим вакиллари динимизнинг буюк раҳнамоларига айланди.

Африка шимоли араб мусулмонлар томонидан забт этилгач, бу ерларда арийчи насроний таълимот барҳам топишининг сабаби ҳам шундадир. Чунки арийчилар, уларнинг юртига пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг таълимоти етиб бориши билан тўла таркибда Исломни қабул килишган. Мазкур тарихни ўрганиб чиққач, ушбу ўлка аҳолиси ҳамиша ўз калбида яккахудолик маданиятини сақлаб келганини англаб етамиз. Бу Исломнинг ҳар қандай халқ маданиятини ривожлантиришга кодир бўлган аҳамияти пасайтирилганини англатмайди, албатта, аммо юкорида тилга олинган омил барбар халки Исломни тез қабул килишига таъсир кўрсатган бўлиши мумкинлигини ҳам рад этиб бўлмайди, валлоху аълам.

Европадаги арийчилар тўғрисида яна қандай маълумотлар келтириш мумкин? Ягона Аллохга эътикод килиб, бугунги кундаги 17 та давлат ҳудудини ўз ичига мужассам этган европа киролигини идора қилган арийчи кирол ким бўлди экан?

Ат-Туробийнинг

"Ислом умматининг 100 буюк шахси" китобидан